



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Юристлар малакасини ошириш маркази

# АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ:

## САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

Р. Р. ШАКУРОВ  
Т. У. САФАРОВ



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини  
ошириш маркази

**АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ  
ВА МУАССАСАЛАРИДА  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ  
НАЗОРАТ ТИЗИМИ:  
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**

Baktria press  
Тошкент – 2022

УЎК 328.185(575.1)(07)

КБК 66.3(5ў)

А 31

Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат тизими: саволлар ва жавоблар [Матн]: қўлланма / тузувчилар Р. Р. Шакуров, Т. У. Сафаров. — Тошкент: Baktria press, 2022. — 48 б.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши мажлисида 2022 йил 21 апрелда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (9-сонли баённома).

Мазкур қўлланмада коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимининг тушунчаси, мақсади ва аҳамияти, адлия органлари ва муассасаларида жорий этилган коррупцияга қарши ички назорат тизимининг тамойиллари, шунингдек, ушбу тизимнинг элементлари ҳамда асосий йўналишларининг айрим хусусиятларига оид саволларга жавоблар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ва ходимлари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** юридик фанлари доктори, профессор Б. Тошев,  
юридик фанлари номзоди, доцент Г. Алимов.

## КИРИШ

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютукларга эришган ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга асосий эътибор қаратиш ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Хорижий мамлакатларда бу каби профилактик воситалардан бири коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими деб ном олади.

Ушбу тизимнинг самарали бўлганлиги сабабли коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида мамлакатимиизда фаолият юритаётган барча давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тузилмаларида коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилди.

Қўлланма адлия органлари ва муассасалари раҳбар ва ходимларнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимга оид тушунчалар, тамойиллар, ушбу тизимни ташкил этувчи элементлар ва асосий йўналишлари, шу жумладан, коррупцияга қарши курашишга оид талаблар ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари ҳамда ушбу талабларга риоя қилишлари учун тузилган.

Қўлланма БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенция”си, Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг бўйруқлари, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкилотда коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи тавсиявий ҳужжатлар тўплами асосида тузилган.

**Диққат!** Қўлланма коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асоси бўла олмайди.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?**

Комплаенс сұзи, “compliance” инглиз сұздан олинган бұлиб, мувофиқлик маъносини англатади.

Коррупцияга қарши кураш соҳасида “комплаенс” сұзи “назорат” сұзи билан бөгланиб, аник белгиланған қоида, стандарт ҳамда күрсатмаларга муайян фаолиятнинг мувофиқлигини назорат қилиш маъносида құлланилади.



**Коррупцияга қарши ички назорат тизими** — бу аддия органлари ва муассасалари ва уларнинг ходимлари фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар ва тавсияларга, миллий қонунчилік ҳужжатлари ва бошқа ички меъерий-хукуқий ҳужжатларғы мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупциявий хавф-хатар ва манбаатлар түқнашувини үз вақтида аниқлаш ҳамда уларға чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳукуқбузарлайлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни үзидә мужассам әттап самарали тизимдир.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

**Коррупцияга қарши ичкى назорат тизимининг асосий мақсади** — ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – фойдаланиш бўйича халқаро талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаш, жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш учун адлия органлари ва муассасаларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиклигини, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари томонидан ўз фаолиятида коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик ва бу борада самарали тизимни шакллантиришдан иборат.

Мазкур мақсадлардан келиб чиқиб, вазирликнинг марказий аппарати, худудий ва таркибий тузилмалари (кейинги ўринларда — адлия органлари ва муассасалари) коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуидагилар ҳисобланади:

- адлия органлари ва муассасаларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;
- аҳолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;
- адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупциявий ҳукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни барта-раф этиш;
- коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.



## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?**

**Адлия органлари ва муассасаларида** коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш натижасида:

- адлия органлари ва муассасаларида ҳамда уларнинг ходимлари фаолиятининг умумэътироф этилган коррупцияга қарши курашишга оид ҳалқаро стандартлар ва тавсиялар, миллий қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги таъминланади;
- коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга эришилади;
- адлия органлари ва муассасаларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятнинг очиқлиги ҳамда шаффофлиги таъминланади;
- адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда таниш-билишчилик, қариндош-уругчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига барҳам берилади;
- ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш масалалари тартибга солинади;
- давлат харидлари соҳасида харид қилини тартиб-таомилларига қатъий риоя этилиши таъминланади;
- адлия органлари ва муассасалари фаолиятини турли санкциялар ва бошқа таъсирилардан тизимли ҳимоя қилишининг комплекс механизми яратиш ҳамда фаолият имиджини (обрўси) сақлани таъминланади.



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ҚАЙСИ ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ ВА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ?



## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ НИМАЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ?**

Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг самарасида мазкур тизимни ташкил этувчи элементлар муҳим ўрин тутади.

**Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари қўйидагилардан иборат:**

- а) коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар;
- б) “Юқоридан қўйига муносабат” — Юқори даражада раҳбарлик намунаси;
- в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш;
- г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар;
- д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари;
- е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш;
- ж) мониторинг, назорат ва ҳисобот;
- з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш.



**Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатларга, коррупцияга қарши кураш тизими асосини ташкил этувчи ва ушбу тизимнинг элементлари ва асосий йўналишларини тартибга солувчи ҳужжатлар киради.**

Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини қўйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати (кейинги ўринларда — Сиёсат деб юритилади);
- Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши муносабатини акс эттирувчи ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида қўйидагиларга эришишга қаратилган:

- адлия органларининг юқори ахлоқий меъёрларга содикликги;
- адлия органларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳукуқбузарликларга муросасизлик;
- коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этишга йўл қўймаслиқ.



- Ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу сиёсат билан имзо қўйған ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати умумий тусдаги ҳужжат бўлиб, унда қўйи-дагилар келтирилган:

- коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари;
- қўлланиладиган тушунчалар ва атамалар;
- коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари;
- коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари;
- коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари;
- коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар бериш тартиби.

Сиёсатда кўрсатиб ўтилган коррупцияга қарши ички назорат тизимининг элементлари ва асосий йўналишлари бўйича қуидаги ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва иловага мувофиқ адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари буйруқлари билан тасдиқланади:

- Адлия органлари томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига киритиш мажбурий бўлган коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар;
- Адлия органлари томонидан контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиш мажбурий бўлган коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар;
- Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти;
- Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизими ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти.

Ўз навбатида, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқ-тартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқарини, ҳалоллик ва содиклик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ёки олиб бориши кераклиги белгиланган.

**Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари** адлия органлари ва муассасалари ходимларининг хизматдаги хулқ-атворнинг асосий тамойиллари ва қоидаларини белгилайди.

Хизматдаги хулқ-атворнинг асосий тамойил ва қоидаларига риоя қилиш муҳим касбий ваколат сифатида қаралади ва бошқа мезонлар қаторида лавозимни кўтариш, фаолиятни баҳолаш, аттестацияларда, юқори турувчи ва бошқа лавозимларга тайинлашда инобатга олинади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сонли “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро



этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида таъкидланганидек, Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий ёки бошқача жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалалар Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом”да белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар.** Мазкур Низом адлия органлари ва муассасалари ҳамда уларнинг ходимларига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат манфаатларини шахсий манфаатдорлигидан устун қўйиши, ошкоралик, вижданлилик ва холислик асосида қарорлар қабул қилиниши, эҳтимол ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг мажбурийлиги тамойилларига (принципларига) риоя қилишлари лозимлигини ўрнатади.



**Низом адлия органлари ва муассасалари ходимларидан ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаатлар тўқнашуvinинг олдини олиш учун қўйидаги талабларга риоя қилиш шартлигини белгилайди:**

- ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш;
- фақат адлия органлари ва муассасалари манфаатларини кўзлаш;
- ўз хизмат мавқеидан фақат адлия органлари ва муассасалари манфаатларида фойдаланиш;
- адлия органлари ва муассасаларининг манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида адлия органларини хабардор қилиш;
- непотизм (таниш-билишчилик), фаворитизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик ва уруг-аймоқчиликнинг намоён бўлишнiga қатъий чек қўйиш;
- эҳтимол ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги мълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиш;
- ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги магълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг иодавлат нотижорат ташкилотларида иштироки ҳақидаги мълумотларни ҳалол, тўлиқ ва вижданан ошкор қилиш.

Низомга мувофик, адлия органлари ва муассасалари ходимларига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши тақиқланади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Коррупцияга қарни ички назорат тизимининг элементи тариқасида, **“Юқоридан қўйига муносабат” — Юқори дарижада раҳбарлик намунаси раҳбарлар** нинг ўзига бўйсунуичилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлишлари кераклигига, ўз минисаб мажбуриятларини бажарни доирасида, коррупцияга қарни



курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлишда ифодаланади.

Коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда Адлия вазири, адлия вазирининг ўринбосарлари, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари қўйидагиларда етакчиликни намойиш этишлари керак:

- адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларини жорий этишда;
- коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқища;
- коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасининг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашишда.

**Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш** ички назорат элементи сифатида қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш;
- адлия органлари ва муассасалари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш йўли билан коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган ходимларнинг функциялари ва лавозимларини аниқлаш;
- коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш;
- коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолани услубиёти” асосида амалга оширилади.



Услубиётга мувофиқ, коррупциявий хавф-хатар деганда, адлия органлари ва муассасалари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан адлия органлари ва муассасалари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи тушунилади.

Коррупциявий хавф-хатарлар, мувофиқлаштирувчи томонидан ички ва ташки ахборот манбаларини таҳлил қилиши асосида аниқланади (масалан, ходимларнинг лавозим йўриқномалари, ички текширув материаллари, шу жумладан, хизмат текшируви материаллари, одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг натижалари, ходимни коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш тўгрисидаги хабарлар, ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари, адлия органлари ва муассасалари фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўгрисидаги статистик маълумотлар, фуқаро ва юридик шахсларнинг коррупция ҳолатлари тўгрисида маълумот бериш учун алоқа каналларига, шу жумладан “ишонч телефони” ва Telegram-каналга мурожаатлар, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлик ҳолатлари тўгрисидаги маълумотлар, ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар, коррупцияга қарши мониторинг натижалари ва бошк.).

Коррупциявий хавф-хатарлар дастлабки, навбатдаги тарзда (бир йилда бир марта) баҳоланади.

Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш, адлия органлари ва муассасаларининг таркибий тузилмалари томонидан бажариладиган функция ва тартиб-таомилларнинг тегишли жадвалда тавсифлашдан бошланади.

Услубиёт билан белгиланган жадвалда, адлия органи ёки муассаси тегишли тузилмасининг функциялари тавсифи, мазкур функция доирасида бажариладиган тартиб-таомиллар ҳамда ушбу жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар ҳақида маълумотлар киритилади.

*нлари ва муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат тизими:*

**Органлари ва муассасаларининг таркибий тузилмалари  
номонидан бажариладиган функция ва тартиб-таомилларнинг  
НАМУНАВИЙ ТАВСИФИ**

<b>Т/р</b>	<b>Функция тавсифи (низом ёки устав)</b>	<b>Функция доирасида бажариладиган тартиб-таомиллар</b>	<b>Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (Ф.И.О, лавозими)</b>
------------	--	---	--

**1. Таъкилот номи**

**1.1. Кадрлар бўлими**

1.1.1.	Ишга қабул қилиш	1. Вакант лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича эълон бериш	Ф.И.О., лавозими
		2. Эълон бўйича аризаларни қабул қилиш	Ф.И.О., лавозими
		3. Келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш	Ф.И.О., лавозими
		4. Танловни ўтказиш бўйича эълон бериш	Ф.И.О., лавозими
		5. Танлов жараёнларни ўтказиш	Ф.И.О., лавозими
		6. Танлов натижаларини умумлаштириш	Ф.И.О., лавозими
		7. Танлов натижаларини эълон қилиш	Ф.И.О., лавозими
		8. Ишга қабул қилиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш	Ф.И.О., лавозими
		9. Меҳнат шартномасини тасдиқлаш	Ф.И.О., лавозими

Аниқланган содир этиш эҳтимоли ва хавфи бор коррупциявий хавф-хатарларнинг қисқача тавсифи услубиётда келтирилган шаклдаги “Адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси”га киритилади.

Идоравий харитада, шунингдек, коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори), амалдаги назорат тартиб-таомиллари, коррупциявий хавф-хатарлари юқорироқ бўлган бўлинмалар ёки лавозимлар, қолган (қолдиқ) хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори),

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари ҳамда ушбу чораларни амалга оширувчи масъул(лар) күрсатилади.

### **Адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси**

T/p	Амалга оширилиши мумкин бўлган коррупциявий схема (хавф-хатар) нинг қисқача тавсифи	Таалуқли бўлган хавф-хатарларининг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Амалдаги назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари	Коррупциявий хавф-хатарлари юқорироқ бўлган бўлинмалар, лавозимлар	Қолган хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чораларини амалга оширишга масъул (лар)
<b>1. Ташкилот номи</b>							
1.1. Ташкилотнинг бўлинмаси функцияси номи (функциянинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлган) кўрсатиш)							
1.1.1. Тартиб-таомил номи (тартиб-таомилнинг хавф-хатар даражасини (коррупциявий хавф-хатари юқорироқ ёки пастроқ бўлганини) кўрсатиш)							
1.1.1.1							

Коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси лойиҳаси коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи томонидан ишлаб чиқилади, адлия органлари ёки муассасалари раҳбари билан келишилган ҳолда, Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлимига кўриб чиқиш учун юборилади.

Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлимининг эътиrozлари ва саволлари бўлмаган тақдирда, коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси тегишли адлия органи ёки муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат тизими:

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари адлия вазири ва адлия органларининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (минималлаштириш) чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар, уларни амалга ошириш механизми, муддати ҳамда ижро учун масъуллар “Адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш дастури”да акс эттирилади ва мазкур дастурга мувофиқ тегишли тузилмада коррупцияга қарши кураш амалга оширилади.

**Адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш ДАСТУРИ**

T/р	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари/тадбирлари/тартиб-таомиллари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун маъсуллар	Кутилаётган натижа
<b>I. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилот фаолиятини тартибга солувчи норматив ва ички хужжатларини такомиллаштириш</b>					
1.					
<b>II. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар</b>					
2.					
<b>III. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот чора-тадбирлари</b>					
3.					

Коррупциявий хавф-хатар даражасидан келиб чиқиб, шунингдек, “Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш матрицаси”, “Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мезонлари” ҳамда “Коррупциявий хавф-хатари юқорироқ бўлган адлия органларининг лавозимлари рўйхати” тузилади.

**Коррупциявий хавф-хатарлар даражаси қўйидаги мезонлар асосида аниқланади:**

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Бериладиган мезон
Юқори	тартиб-таомилнинг тартибга солинмаганлиги; тартиб-таомилнинг ҳақиқатан бажарилишининг тартибга солинган тартиб-таомилга мувофиқ келмаслиги; тартиб-таомилни бажараётган ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларида таълим олмаслиги; бажарилаётган тартиб-таомил бўйича якуний қарор фақат бир ходим томонидан қабул қилиниши; коррупциявий схеманинг кенг тарқалганлиги, яъни ушбу коррупциявий схемадан бир неча марта фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотнинг мавжудлиги.
Ўрта	жараён тартибга солинган ва қайта ишлаш ёки тартибга солинган жараён шаффоф бўлмаган назорат тартиб-таомиллари тадбиқ этилган; жараён автоматлаштирилмаган; жараённи амалга оширишда ваколатлар самарасиз тақсимланган ёки ваколатлар такрорланган; коррупциявий схема кенг тарқалмаган бўлиб ҳисобланади.
Паст	жараён тўлиқ автоматлаштирилган; жисмоний ёки юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик мавжуд эмас; жараённи амалга ошириш устидан назорат учинчи шахслар ёки адлия органлари ва (ёки) муассасаларининг уч нафардан ортиқ ходимлари томонидан амалга оширилади.

**Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар.** Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши кураш, Адлия вазирлигининг марказий аппаратида алоҳида таркибий тузилма — коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий адлия бошқармалари ва тизимдаги муассасаларда эса коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи зиммасига юклатилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўлими бевосита Адлия вазирига бўйсунадиган, Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кура-



шишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун масъул бўлган алоҳида таркибий тузилма ҳисобланади. Мазкур бўлим ўз фаолиятини, “Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими тўгрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи, ҳудудий адлия бошқармалари ва тизимдаги муассасаларда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланади.

Адлия органлари ва муассасаларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини самарали жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга қарши Сиёсатни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича вазифаларни бажариш мақсадида “Ҳалоллик офицери” лавозими жорий этилган.

“Ҳалоллик офицери” вазифаларига, жумладан, қўйидагилар киради:

- адлия органлари ва (ёки) муассасаларининг жамоаси орасида ҳалоллик, одиллик ва коррупцияга қарши муросасизлик мухитини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;
- ходимларнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- адлия органлари ва муассасалари ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- адлия органлари ва муассасалари ходимларининг турли тазийикқа учраш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш;
- ўз хизмат вазифасини ҳалол ва вижданан бажараётган, коррупция ҳолатларига тоқатсиз ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимларни рагбатлантириш бўйича раҳбариятга таклиф киритиш ва бошқ.

#### **Аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари қўйидагиларда намоён бўлади:**

- адлия органлари ва муассасаларда коррупциявий хавф-хатарга йўл қўймасликка қаратилган умумий назорат мухитини яратиш;
- коррупцияга қарши курашиш назоратининг ўрнатилиши;
- тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этиш.

Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари, сиёsat билан белгиланган коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ва асосий йўналишларида ўз аксини топади.

Коррупциявий хавф-хатарга йўл қўймасликка қаратилган умумий назорат мухитини яратиш “Адлия органлари ходимларига маслаҳат бериш” тартибида адлия органлари ва муассасаларининг тегишли тузилмасида ички назорат жорий этилганинги, коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида ходимларининг хабардорлигини ошириш, уларга коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси билан таништириш ва уларга маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш назоратининг ўрнатилиши, масалан, коррупциявий хавф-хатарларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи бор функцияларининг доимо назоратга олишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, коррупциявий хавф-хатар факти юзасидан келиб тушган хабарлар “Сирли мижоз” тадбири орқали назорат қилиниши мумкин.

Тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини, Сиёsatда белгиланган коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари (“Манфаатлар тўқнашувини

бошқариш”, “Совгалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари”, “Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказишга, моддий рагбатлантириш” ва бошқ.) ташкил этади.

Ушбу ва бошқа коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишга йўналтирилган талаб, тартиб-таомиллар ва чора-тадбирлар аниқланган хавф-хатар дара-жасига муганосиб, адлия органлари ходимлари учун қатъий ва аник, фуқаролик жамияти учун шаффоғлиги таъминланган ҳолда қўлланиши лозим.

Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-лар адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади.

**Ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш** коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементи сифатида, коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Жамиятни ахборотлаштириш, жумладан, Сиёsat ва адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларга жойлаштириш орқали амалга оширилади.



Адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва бошқа манбаатдор шахслар, коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида қўйидаги тадбирлар орқали хабардор қилиниши мумкин:

- адлия органлари ва муассасалари ходимларини йилига камида бир марта доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларга тушунтириш ва ўқитиш (“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизими ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар”да белгиланган тартибда);
- тематик аудио- ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда тадбирлар ўтказиш;
- адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги ҳақидаги гумонлар ва фактлар ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;
- саволлар тугилганда адлия органлари ва муассасалари ходимларига маслаҳатлар бериш;
- адлия органлари ва муассасалари ходимлари меҳнат шартномалигира коррупцияга қарши курашиш қоидаларини киритиш;
- тасдиқланган режага мувофиқ ҳулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш ва бошк.

**Мониторинг, назорат ва ҳисобот.** Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементи сифатида мониторинг ва назорат “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши тамойил-



ларга риоя қилинишининг мониторинг ва назорат қилиш асосида амалга оширилади.

Мониторинг коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда муйян тузилмаларнинг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, назорат ёки танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлил қилиш мақсадларида ўтказилади.

Хусусан, адлия органларида мониторинг ва назорат қилиш орқали адлия органлари ва муассасалари фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришларнинг адлия органларида коррупцияга қарши курашиш тизимиға таъсирини, мазкур тизимга ўзгартериш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш ва тўғрилаш мақсадида, вазирлик тизимидағи функциялар ва ички жараёнларни кузатиш, адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини ўрганиш каби тартиб-таомиллар амалга оширилади.

Мониторинг ва назорат қилиш бўйича коррупцияга қарши курашиш бўлими/ коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмалар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари Адлия вазири, Вазирлик ҳайъати, тегишли ҳудудий бошқармалар ва вазирлик тизимидағи муассасалар раҳбарларининг чораклик ҳисоботларида ўз аксини тонади. Ҳисобот “Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳисботини шакллантириш ва тақдим этиш регламенти”га мувофиқ амалга оширилади.

Мониторинг, назорат ва ҳисботлар натижаларига кўра, коррупцияга қарши курашишни соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғии раҳбар ходимлари фаолияти ва Адлия вазирлиги тизимидағи коррупцияга қарши кураш бўлими фаолияти самарадорлиги тегишлича Услубиётда белгиланган кўрсатгичлар асосида баҳоланади, баҳолаш натижаларига кўра “намунали” деб топилганда рагбатлантириш, “қониқарсиз” деб топилганда эса интизомий жазо чораларини кўриш масаласи кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПК-81-сонли “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қўйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этилди:

- давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;
- коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;
- ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-тамомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларни ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шаклантиришга қаратилган таргибот тадбирларининг самарадорлиги.

Адлия органлари ва (ёки) муассасаларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби, таъкидлаб ўтилган қарор билан иловага мувофиқ тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” билан белгиланган.



Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементи сифатида, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ходимларнинг Сиёсатга амал қилиш ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларига риоя қилиш ҳар ходим учун ўз хизмат функцияларининг бажарилиши доирасида мажбурийлиги, ходимлар белгиланган талаб ва тартибтаомилларнинг бузганлиги ёхуд коррупциявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишини, бевосита раҳбарлар ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланишини, ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳакида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳакида ўз раҳбарларига ва тизимда мавжуд коррупцияга қарши курашиш бўлимига хабар беришлари шартлигини белгилайди.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш, Сиёсатда белгиланган “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш” тартибида амалга оширилади. Хусусан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар, адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва бошқа шахслар томонидан Адлия вазирлигининг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин (“1008” телефон рақами ва адлия органларининг бошқа телефон рақамлари, адлия органларининг @antikorbot ва бошқа Телеграмм каналлари, расмий веб-сайтларида жойлаштириш шакллари, электрон почта ёки тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилиши мумкин).

Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳакида ахборот бериш учун алоқа каналлари ишлашининг асосий тамоилларини, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва келиб тушган хабарларга муносабат билдириш “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти”да белгиланган тартибга амалга оширилади.

Сиёsat ҳуқуқбузарлик түгрисида ишончли маълумот берган шахснинг маҳфийлигини таъминлайди ҳамда унинг таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлади.

Коррупция фактлари тасдиқланган тақдирда, улар түгрисида вижданан хабар берган адлия органларининг ходимлари ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

Вазирлик тизимида адлия органлари ва муассасалари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боялик ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари тартибида ўтказилади.

Хизмат текшируви натижаларига кўра, адлия органлари ва муассасалари ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда адлия органларининг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортиладилар.

Сиёsatга асосан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун адлия органлари ва муассасаларига бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш ваколати берилади.



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИГА НИМАЛАР КИРАДИ?



“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати”да келтирилган коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларини, тартибга солинадиган қуйидаги соҳа ва муносабатлар ташкил этади:

- “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш”;
- “Совгалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари”;
- “Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рагбатлантириш”;
- “Текширувларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш”;
- “Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар”;
- “Хайрия ва ҳомийлик фаолияти”;
- “Сирли мижоз” тадиби;
- “Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш”;
- “Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси”;
- “Адлия органлари ходимларига маслаҳат бериш”;
- “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш”.



Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари мазкур тизимнинг мақсадларига эришишга қаратилган талаблар, тартиб-таомиллар ва чора-тадбирлар билан таъминланган.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари адлия органлари ва (ёки) муассасалари раҳбарининг буйрги билан тасдиқланган алоҳида ҳужжатда ўз аксини топади. Шу боис, адлия органлари ва (ёки) муассасалари ходимлари тегишли ҳужжатга мурожаат этиб, ўз хизмат вазифаларини бажаришда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича талабларга риоя қилишлари ва белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ фаолиятларини амалга оширишлари лозим.

Фаолиятнинг тегишли соҳа ёки муносабатларга оид талаб ва тартиб-таомиллар бузилган тақдирда, мазкур йўналишларни назарда тутган тегишли ички ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар кўрилади.

**“Манфаатлар тўқнашувини бошқариш”** коррупцияга қарши курашининг асосий йўналиши, ходимлардан ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданон бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ҳамда адлия органлари ва муассасалар тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланишини таъминлашга қаратилган коррупцияга қарши кураш чора-тадбири сифатида қаралади.

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низом” адлия органлари ва муассасаларида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди. Хусусан, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида, бўш иш жойларига номзодларни ишга қабул қилишда уларга Низом талаблари билан имзо қўйдирилган ҳолда таништириш, Низомга иловаларида белгиланган расмий шаклда улардан маълумотнома-объективка, яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотномани олиш, адлия органлари ва муассасалари ходимларини лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш, ходимларнинг манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида Кадрлар бошқармаси/бўлимига бир йилда бир марта ошкор қилиш (ҳар йиллик декларация), эҳтимол ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича маълумотларни ошкора қилиш ҳамда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини рўйхатга олиш, ўрганиш, уларга баҳо бериш орқали орқали амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш ва тартибга солища, масалан, бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш, манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқа-



риш жараёнида қатнашишдан ходимни четлаштириш, манфаатлар тұқнашувига йүл құймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта күриш, манфаатлар тұқнашуви предмети бұлған адлия органлари ва муассасаларининг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш, ходимни манфаатлар тұқнашуви билан boglik бұлмаган меҳнаттаға оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа чоралар белгиланиши мүмкін.

Мазкур ва бошқа чоралар манфаатлар тұқнашувини тұлиқ тартибға солмаган тақдирда, истисно ҳолатларда, ходимга адлия органлари ва муассасаларининг манфаатларига тұқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши, шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда эса унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш чоралари күрилиши мүмкін.

**“Совгалар ва иш жараёнида меҳмондүстлик”** коррупцияға қарши курашишнинг асосий йұналиши сифатида, иш жойда совгалар бериш ва меҳмондүстлик тартибини белгилаш, ходимлар орасыда бундай совгалар уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришларига таъсир этмаслигини таъминлаш мақсадини күзлайди.

Коррупцияға қарши курашишнинг мазкур асосий йұналиши “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияға қарши курашиш бўйича Сиёсати” билан тартибға солинган.



Сиёсатга мувофиқ, адлия органлари ва муассасалари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан күйидагиларни қабул қилиш тақиқланади:

- бирон-бир совга;
- иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари;
- қарз, кафолатлар, кафилликлар;
- мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини;
- нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти (масалан, телефон ҳисоби ракамига пул ўтказиш);
- қимматли қозозлар кўринишида моддий ёрдам.

*Адлия органлари ва муассасалари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (тугилган кун, боланинг тугилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совгалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совгалар деб тан олинади, агарда:*

- 1) совгалар адлия органлари (муассасалари)нинг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;
- 2) совга бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совга беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқифодасини топган бўлиши;
- 3) совганинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йигимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;
- 4) адлия органининг битта ходими бошқа ходимга совга учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги керак.



Умумий қоидаларга күра, бошқа адлия органлари ва (ёки) муасасалари ходимлари, шериклар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам билан bogлиқ ҳолда олинадиган совгалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

Совгани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда адлия органи ходими Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кураш бўлимига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

**“Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказишға, моддий рағбатлантириш”** тартибининг белгиланиши, мазкур жараённинг барча ходимлар учун шаффоф, teng ва холислигини таъминлашга хизмат қиласди.

Мазкур коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналиши қўйидаги жараёнларни тартибга солишга қаратилади:

- ходимларни танлаш;
- ходимларни аттестациядан ўтказиш;
- ходимлар фаолиятини баҳолаш;
- ходимларга мукофот пулларини тўлаш;
- ходимларга устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш.



Мазкур коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналиши Сиёсатнинг асосий тамойилларига ҳамда адлия органлари ва (ёки) муассасаларининг тегишли ҳужжатларида ўз аксини топган шартлар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Жумладан, “Адлия органлари томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалигига киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар” ходимдан, меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шунингдек ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини юклайди. “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўгрисидаги низоми” ва “Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари”га асосан кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилашда фаворитизмга йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Сиёсатда раҳбарларни мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиласидиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш



тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши, ушбу кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда ходимлар томонидан кўриб чиқилиши мумкинлиги таъкидланади.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналиши сифатида “Текширувларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш” тартиби, турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини ўрганишда коррупциявий хавф-хатарларга йўл қўймасликнинг олдини олишга қаратилади.

Сиёsat, мазкур жараёнда ходимлардан қуидаги талабларга риоя қилишлари шартлигини белгилайди:

- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;
- обьектни текшириш бир ходим томонидан амалга оширилмаслиги;
- содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш обьекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган обьект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;
- текширилаётган обьектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари;
- текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;
- агар текшириш обьекти вакиллари ходимларга аниқланган қошуунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, текшириш гурӯҳи раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари;
- текшириш обьекти вакилларига ташкилот ходимларининг ахлоқий ҳулқ-автор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлишлари шарт.

Сиёsat давлат органлари ва ташкилотларини текшириш натижалари бўйича аддия органлари ва муассасалари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низоларни ҳал этиш учун апелляция инстанциялари ташкил этилишини назарда тутади.



**“Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар”** нинг тартибга солиниши ушбу соҳада сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишда йўл қўймасликга хизмат қиласди.

Ушбу йўналиш маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишининг ҳаққоний, очиқ ва шаффофф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинадиган маҳсулотнинг Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффофф тартибини таъминлайди.

Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда коррупциявий хавф-хатарларнинг олди олиниши “Адлия органлари томонидан контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар” асосида таъминланади.

Сиёсатга асосан, адлия органлари ва муассасалари контрагент билан ўзаро ҳамкорлигига қўйидагиларга риоя қилиши лозим:

- эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончлилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, адлия органлари ва муассасаларида давлат харидлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари доирасида Вазирлик тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш;

- эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер голибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) ўзининг коррупцияга қарши тамоиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши маҳсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қилиш.

**“Хайрия ва ҳомийлик фаолияти”.** Сиёсатда адлия органлари ва муассасалари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкинлиги таъкидланган. Шу билан бирга, Сиёсат бундай ёрдамни олган пайтда адлия органларига қўйидаги талабларга рио қилиш ва чоралар кўришни белгилайди:

- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- маблагларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш;
- интернет тармогидаги ўзининг расмий веб-сайтларида мазкур йўналишни ёритишга оид имкон қадар барча чораларни кўриш. Бу ўз навбатида, бу йўналишнинг шаффоғлигини таъминлайди ва ва бундай ёрдам олишда коррупциявий хавф-хатарларнинг йўқлигидан далолат беради.

**“Сирли мижоз” тадбири** нинг мавжудлиги кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезлигига, ходимларнинг белгиланган ахлоқ қоидаларига, шу жумладан ходимнинг пора олмаслигига қаратилади.



“Сирли мижоз” тадбирлари кўрсатилаётган давлат хизматларининг ҳақиқий олувчилари сифатида шахслар томонидан амалга оширилади.

“Сирли мижоз” тадбiri орқали, хусусан, давлат хизматларининг сифати, муддатлари, шартларини, шунингдек, ходимларнинг белгиланган ахлоқ қоидаларига, ходимнинг пора олишга мойиллиги аниқланади.

Мазкур тадбир натижасида аниқланган коррупциявий хавф бўйича хизмат текшируви тайинланади.

**“Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш”** коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналиши ходимларнинг фаолиятини назорат қилиш учун адлия органлари хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштириш, уларнинг ёзувлари адлия органлари ва муассасаларининг масъул ходимлари томонидан доимий равища кузатиш орқали амалга оширилади.

Коррупциявий хавфи юқори бўлган айrim жараёнлар адлия органлари ва муассасаларининг расмий веб-сайтларида онлайн трансляция қилинади (масалан, фуқароларга хизматлар кўрсатиш жараёни, ходимни ишга қабул қилиш танловини ўtkазиш жараёни, ходимлар билан суҳбат ўtkазиш ва уларни синовдан ўtkазиш, комиссия йигилишлари жараёни ва бошк.).



Ижрочилик интизомини таъминлашда, шунингдек, адлия вазирлиги тизимида жорий этилган “av.ijro.uz” (ижро интизоми идоралари ягона электрон тизими) ва “hr.adliya.uz” (келиб тушган ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган тизим) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари аҳамиятлидир. Бинобарин, ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, жумладан, иш куни тартибига риоя қилишларини таъминлашда адлия органлари ва муассасалари биноларига кириш жойларида ўрнатилган “турникет”лар ҳам хизмат қиласди.

**“Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси”** мазкур ҳужжатларда коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган омилларни аниқлаш, лойиҳани қабул қилишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратадиган оқибатларини умумий тарзда баҳолаш, норматив-ҳукуқий ҳужжатларни кўйлани жараёнида коррупция хусусиятига эга таваккалчиликларнинг юнага келиш эҳтимолини прогноз қилиш, аниқланган коррупцияни юнага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

Адлия вазирлиги тизимида ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 21 февралдаги “Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг



коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби түғрисидаги низомга (2021 йил 24 февраль, рўйхат рақами 3287) мувофиқ амалга оширилади.

**“Адлия органлари ходимларига маслаҳат бериш”** орқали ходимларни ўз лавозимида эҳтимоли ва хавфи бор коррупциявий қилмишларни содир этишнинг олдини олишга ва натижада жавобгарликка тортилмаслигига омил бўлади.

Маслаҳат бериш орқали, ходимларда коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, Сиёsat қоидалари ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволларга, улар ўзларининг таркибий бўлинмаси/органи ва (ёки) тегишли вазирлик (қўмита, агентлик) тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳамда телефонига мурожаат қилиб жавоб олишлари мумкин.

Бундай саволларга жавоб олиш учун ходимлар ўзларининг таркибий бўлинмаси/органи ва (ёки) тегишли вазирлик (қўмита, агентлик) тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳамда телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲАВОЛАЛАР**

**Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т./ <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/111453>

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/111460>

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тӯгрисидаги кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/97664>

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тӯгрисида”ги Қонуни/ <https://lex.uz/docs/3088008>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги 11Ф-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тӯгрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги 11Ф-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тӯгрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги 11Қ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали гапкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тӯгрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги 11Қ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тӯгрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағдаги 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро иш учунчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қондларини тасдиқлаш тӯгрисида” қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар

берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рагбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартағи 114-сонли «Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 01-07/6858-сонли хати.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги бўйруги.

#### **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буйруқлари:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 22 январдаги 14-ум-сонли “Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруги.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 42-ум-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 43-ум сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 44-ум-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 45-ум сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, бартараф этиш, мониторинг қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашиши бўйича ўқитиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 13 апрелдаги 73-ум сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида

коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги буйруги.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 20 апрелдаги 76-ум сонли “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳакида”ги буйруги.

## **Мундарижа**

Кириш . . . . .	3
Коррупцияга қарши назорат (комплаенс) тизими деганда нима тушунилади? . . . . .	4
Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг мақсади нима? . . . . .	5
Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг аҳамияти қандай? . . . . .	6
Коррупцияга қарши ички назорат тизими қайси тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади? . . . . .	7
Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг элементларини нималар ташкил этади? . . . . .	8
Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг асосий йұналишларига нималар киради? . . . . .	28
Фойдаланилган ҳаволалар . . . . .	41

## Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Рабиев Шерзад Миржалилович  
Шакуров Рафик Равильевич

Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат  
тизими: саволлар ва жавоблар

Мұхаррір: У. Раджабова  
Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: А. Холматов

ТАСДИҚНОМА № 9183-7961  
Босишга рухсат этилди 30.05.2022 й. Биғими 60x90 1/16.  
«Minion Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоги 3,0.  
Адади 500 нұсха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: [baktriapress@gmail.com](mailto:baktriapress@gmail.com)

MEGA BASIM МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Baba Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.  
[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr).

ISBN 978 9943-8184-7-7



9780008381087



9 780008 381087